Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 28-noyabr, payshanba № 144 (3337)

# Ташриф самарали бўлди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 26 ноябр куни «General Motors Powertrain Uzbekistan» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасига ташриф буюрдилар.**

Олий мартабали меҳмон қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти, шарт-шароитлари билан танишди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон автомобил ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Бугунги кунда ўзбек автомобиллари бутун дунёда, хусусан, Туркманистонда ҳам харидоргир.

Дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган «GM Uzbekistan», «СамАвто», «JV MAN Auto — Uzbekistan» сингари корхоналарда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

«General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасининг ташкил қилиниши автомобилсозлигимиз ривожида янги даврни бошлаб берди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хорижий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасини ташкил қилишга оид қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу йирик қўшма корхона минтақамизда автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона заводдир. Бундай ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхоналари дунёнинг саноқли мамлакатидагина мавжуд.

Корхона алюминий эритиш ва қуйиш, термик ишлов бериш, цилиндр блоклари, тирсакли валга ишлов бериш ускуналари, уларни автоматик йиғиш линиялари, шунингдек, назорат-ўлчов машиналарини ўз ичига олган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш жараёни компютер орқали бошқарилади. Бу ердаги технологик жараён ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини мунтазам назорат қилиб бориш имконини беради, айни пайтда экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам жаҳон стандартларига тўла мосдир. Корхона маҳсулотларидан нафақат Ўзбекистондаги, балки «GM»нинг глобал тармоғига кирувчи хориждаги бошқа автомобилсозлик корхоналари ҳам фойдаланмоқда.

Мазкур завод «General Motors»нинг қуйиш ва йиғув цехлари бир жойда жойлашган дастлабки корхонасидир. Корхона ускуналар билан жиҳозланиши, технологик операцияни назорат қилиш тизими, эргономик ва экологик стандартларга мувофиқлиги бўйича энг замонавий ҳисобланади. Ўрнатилган регенерация тизими ишлаб чиқаришнинг ёпиқ циклини таъминлаш имконини бераётир.

Туркманистон Президенти мамлакатимиз автомобил саноати ривожидаги улкан муваффақиятлардан бири бўлган, замонавий стандартлар асосида, энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхона фаолиятини юқори баҳолади.

Олий мартабали меҳмон завод ҳудудида кўргазмага қўйилган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил автомобиллар, юк машиналари, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси билан танишди. Туркманистон Президенти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ушбу автомобиллар ва бошқа техника турининг кўплигига, уларнинг сифати ва дизайнига юксак баҳо берди. Гурбангули Бердимуҳамедовда «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси томонидан янги ўзлаштирилган «Chevrolet Orlando» оилавий минивэни катта таассурот қолдирди. 2014 йилнинг биринчи чорагидан мазкур минивэнни кенг ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди. Шубҳа йўққи, ушбу ташриф ва унинг натижалари Ўзбекистон ва Туркманистоннинг вақт синовидан ўтган дўстлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларига янги суръат бахш этади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## 8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни




***Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари мутахассислари ва нуфузли халқаро ташкилотлар экспертларининг синчков назаридан ўтиб, жаҳондаги энг демократик конституциялардан бири сифатида эътироф этилган.***

***Фикримизнинг далили сифатида аввало таниқли хорижий экспертлар Конституциямизга берган баҳолардан айримларини Бош Қомусимизнинг йигирма бир йиллик байрами баҳонасида яна бир бор тилга олиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.***

# Дунё эътирофи

Хусусан, америкалик Дональд С.Карлайлнинг эътироф этишича: ***«Ўзбекистоннинг Конституцияси советлардан кейинги давлатлар — собиқ иттифоқдош давлатлар конституциялари орасида биринчидир. Бошқа барча Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари ва Болтиқбўйи давлатларида конституциялар кейинроқ, яъни 1992-1996 йилларда қабул қилинган. Конституция ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солади, қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради. У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституциялардан биридир».***

Россиялик эксперт Н. Мишин шундай ёзади: ***«Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, мустаҳкам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятлар ўз мужассамини топган».***

«Конституцияда ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд, — деб қайд этади германиялик ҳуқуқшунос Л. Левитин. — Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хомхаёл-демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги «шўрочиликлар» барҳам топтирилган».

Асосий Қонунимизга нисбатан бундай юксак ва холис баҳолар берилиши бежиз эмас, албатта.

Эътибор беринг-а, ўшанда ҳам, ҳозиргача ҳам ҳеч ким, ҳаттоки бизни ҳеч хуш кўрмайдиган кишилар ҳам Конституциямизнинг демократик моҳиятини инкор эта олмади.

Табиий бир савол туғилади: хўш, бунинг сабаби нимада?

**Биринчидан,** бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни, халқаро андазаларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

**Иккинчидан,** бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда қайсидир давлатнинг тайёр Конституциясини кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан бормай, балки энг илғор хорижий конституциявий тажрибаларни ўргандик ва эътиборга олдик. Натижада, эндиликда Бош Қомусимиз дунё миқёсида ҳам ҳар қандай тараққий топган давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

***(Давоми 4-саҳифада).***

## Янгиликлар оқимидан

### САМАРҚАНД

***«Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи якунланди.***

### ҚОМУСИМИЗ БИЛИМДОНЛАРИ

Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан ташкил этилган танловда умумтаълим мактаблари ўқувчилари Конституцияга оид билимларини турли кўргазмали воситалар, иншолар танлови ва ўзаро савол-жавоблар орқали намоён қилди.

Танлов якунида ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди ва мамлакат босқичига йўлланмани қўлга киритди.

**ЎзА**

### НАВОИЙ

***Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да навбатдаги меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Маркази ташаббуси билан ўтган тадбирда 76 корхона ва ташкилот 276 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.***

### МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Иштирок этганларнинг 103 нафари шу ернинг ўзидаёқ иш жойига эга бўлди. Уларнинг 41 фоизи хотин-қизлар, 18 нафари эса коллеж битирувчисидир.

**Феруза МАРДИЕВА**

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

***Тадбиркор Арзу Ибрагимов «Шуманай қурилиш сервис» МЧЖ ташкил этиб, банкнинг 800 миллион сўмлик кредити ҳисобига иш бошлаган эди. Корхона Хитойнинг замонавий технологияси билан таъминланди.***

### ШУМАНАЙ ҒИШТЛАРИ

Айни пайтда табиий газни кам талаб этувчи, кўмирга мослаштирилган 24 камерали айланма хумдонда ҳар ўн кунда 18-20 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чикарилмоқда. Бу ерда 30 дан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат килаётир. Тайёр маҳсулот Нукус, Шуманай, Қонликўл, Чимбой, Қўнғирот туманларида намунали лойиҳалар асосида қурилаётган уйларга етказиб бериляпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

## 2013 йил – Обод турмуш йили



# Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчилари

***Ўзбек Миллий академик драма театрида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.***

Шу муносабат билан мазкур санъат масканига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, ёшлар таклиф этилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ.Қуронбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни замонавий билим ва тафаккурга эга, юксак ижодий-интеллектуал салоҳият соҳиби этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар маънавий-маърифий соҳалардаги янгиланиш жараёнларида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган таълим-тарбия, илм-маърифат, маданият ва санъат масканларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий йўналишларда фаолият кўрсатаётган ҳамюртларимиз меҳнатини рағбатлантиришга оид тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим тизимида «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фани, «Маънавият соатлари» жорий этилгани ёшларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги юксак ўзгаришлардан хабардорлигини ошириш, уларни соғлом ва мустақил фикрли шахслар этиб вояга етказишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

***(Давоми 4-саҳифада).***

***Кейинги йиллда 983,6 МИНГта иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Асосий эътибор таълим муассасаларининг битирувчиларини, аёлларни, ногиронларни ҳамда аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга қаратилади.***

## Рағбат

***Асосий Қонунимиз — Конституциямизда белгилаб қўйилган қоидалар негизида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. Шу асосда инсон манфаати, юрт фаровонлигини таъминлаш кафолатланди.***

***ЎзКУФК Ўқув марказида Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлиги ҳуқуқий кафолати» мавзуидаги давра суҳбати ва «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими кўнгилларга ўзгача шукуҳ олиб кирди.***

# Эътибор ва эҳтиром завқи

Давра суҳбатида сўз олган тарих фанлари доктори, профессор, сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков Асосий Қонунимизнинг яратилиш тарихига атрофлича тўхталиб, касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, муносиб иш шароити ва ишсизликдан ҳимоя қилишга оид конституциявий ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилганига эътибор қаратди.

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган тармоқ корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмиталарининг фаолиятига доир кўргазма ва айниқса, ундан ўрин олган жамоа шартномалари, стенд ва фотосуратлар, видеофилмлар касаба уюшмалари фаолияти ҳақида йиғилганларда муайян тасаввур уйғотди.

Танловни тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаш раиси Шавкат Адилов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг намунали бошланғич ташкилотлар раислари ўз иш тажрибаларини слайдлар орқали намойиш этилди. Ниҳоят, кутилган жараён: танлов ғолиблари эълон қилинди. Натижаларга кўра, 1-ўрин «Ўзметкомбинат» ОАЖ, 2-ўрин «GM-Uzbekistan» ЁАЖ қўшма корхонаси ҳамда 3-ўрин «САМАВТО» МЧЖ касаба уюшма қўмиталарига берилди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, қатор касаба уюшма қўмиталарига фаол иштироки учун фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

***(Давоми 2-саҳифада).***

"Ishonch" – Сизнинг газетангиз

2014 йил учун обуна бўлишни унутманг
Нашр индекси — 133

# Дунё эътирофи

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

**Учинчидан,** Конституциянинг ғоя ва нормалари ўзбек халқининг теран тарихий илдизларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган.

Бу Конституция умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар Ал-Бухорий, Термизий, Форобий, Мотуруди́й, Марғиноний, Яссавий каби улуғ боболаримиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас қадриятларни ўзида акс эттиради.

Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби миллий менталитетимизга хос улуғ хислатлар мазкур ҳужжатда ўз аксини топган.

Конституцияни яратишда унинг мазмун-моҳиятида фуқароларимизнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби ибратли сифатлар ўз аксини топиши учун ҳаракат қилинди. Унда юртимизга хос қардошлик ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлмиш халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам муҳим ўрин тутади.

Бизнинг Конституциямиз эски тоталитар-мустабидлик тузумидан, ўзини ҳаётда мутлақо оқламаган, касодга учраган, миси чиққан тизимдан воз кечиб, янги, замонавий ва эркин ҳаётимизни ҳар тарафлама ҳимоя этишимизга хизмат қилмоқда.

Советлар замонида ҳар бир даврга, ҳатто айрим шахсларга ҳам мослаштириб чиқарилган асосий қонунлар бўлганлигини биламиз. Аммо ўша конституциялар, улар кимнинг номи билан аталганидан қатъи назар, бир мақсадга — қотиб қолган коммунистик мафкурага асосланган тузумни ҳимоя этишга ва унинг якка ҳукмронлигини ўтказишга хизмат қилар эди.

Асосий Қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўйди.

Эндиликда миллий истиқлол ғояси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимиз ва шууримизга теран сингдириш йўлида хизмат қилмоқда.

Мустақил давлатимиз бундан йигирма бир йил аввал Бош Қомусимизни қабул қилар экан, юқорида таъкидлаганимиздек, жаҳон ҳамжамиятига ўзининг демократик ғояларга, ижтимоий адолат тамойилларига амал қилишини, дунё томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига содиқ бўлишини намоён қилган эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юртимизда бошланган муҳим сиёсий тадбир — фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловларининг асосий ҳуқуқий негизи Конституциямиз экани ҳам Асосий Қонунимизнинг демократик мазмун-моҳиятидан яна бир далолатдир. Чунки, айнан мустақиллик туфайли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти алоҳида конституциявий моддада (105-модда) мустаҳкамлаб қўйилди.

Айни чоғда ана шу конституциявий модда негизида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳуқуқий асосини мустаҳкамловчи қонунлар қабул қилинди ва ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

**Акмал САИДОВ,**
**юридик фанлар доктори,**
**профессор**

ВЕЛОСПОРТ



*22-25 ноябр кунлари БААнинг Шаржа шаҳрида «SHARJA TOUR» шоссеси бўйлаб Халқаро велопойга бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан келган 15 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. UCI таснифига кўра, ушбу беллашув Class 2.2. тоифасидаги мусобақа саналади. Бу эса спортчиларга очколар ва рейтингини ошириш имкониятини беради.*

# Кундан кун яхши

Мамлакатимиздан ушбу нуфузли велопойгада Алексей Смирнов мураббийлигидаги Темур Гумеров, Вадим Шаехов, Руслан Фёдоров, Денис Шайманов, Владимир Тўйчиев, Димитрий Лозовдан иборат жамоа иштирок этди.

Шоссе ва трек бўйича Ўзбекистон чемпионатининг кўп карра ғолиблари, Осиё чемпионати совриндорлари ушбу мусобақада кумуш ва бронза медалларни қўлга киритишди. Вадим Шаехов пойганинг иккинчи босқичида иккинчи, Руслан Фёдров эса тўртинчи босқичда учинчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Денис Шайманов «Энг яхши ёш пойгачи» номинацияси бўйича тақдирланди.

Тўрт кун давом этган мусобақада вакилларимиз жамоа ҳисобида иккинчи ўринга сазовор бўлишди. Шу тариқа велоспортчиларимиз Янги Зеландия, Қатар, Миср каби кучли жамоаларни ортда қолдириб, ўз рейтингини сезиларли оширишга муваффақ бўлишди.

Терма жамоа аъзоларини яна бир масъулиятли мусобақа — «Тур Ал-Зубара» кўпкунлик беллашувлар кутиб турибди. Мазкур мусобақа жорий йилнинг 4-7 декабр кунлари Дохада бўлиб ўтиши режалаштирилган. Унда Европа, Осиё ва Шимолий Африка давлатларидан 12 жамоа қатнашади.

**Алена САПАРОВА,**
**Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот котибаси**

# Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчилари



*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат туйғуларини чуқур сингдиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Республика Байналмилал маданият маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам маънавий-маърифий тарғибот соҳаси мутахассислари фаолиятини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, бу борадаги илғорлар иш тажрибасини оммалаштиришдан иборатдир.

Танлов жараёнида тарғиботчиларнинг замонавий аҳборот-коммуникация технологияларини иш жараёнига унумли татбиқ эта олиши, кўпчилик, айниқса, ёшлар аудиторияси билан ишлаш маҳорати, уларга ижобий таъсир ўтказа олиш қобилияти, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ҳимоялай олишга доир иш услубига асосий эътибор қаратилди.

— Инсон қалби ва онгини забт этишга интилиш тобора кучайиб бораётган бугунги мураккаб глобаллашув даврида ёшларнинг тарбияси, маънавияти, онгу шуури, дунёқараши учун барчамиз масъулмиз, — дейди танлов ғолиби, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги тиббиёт коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Сайёра Эгамбердиева. — Бу эса, биз, маънавият тарғиботчиларини доимо сезгирлик, ҳушёрлик ва огоҳликни қўлдан бой бермай, фаол иш олиб боришга ундайди.

Тадбирда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг турли йўналишлар бўйича ғолибларига совринлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар**

## Танлов

**«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ жойларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаш, ҚВПларда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг илғор иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилаётган йилнинг «Энг яхши умумамалиёт шифокори», «Энг яхши патронаж ҳамшираси» ҳамда «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти» анъанавий кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

# Республика босқичига йўлланма

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Когон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Сорғун» қишлоқ врачлик пункти врачи Лобар Эргашева биринчи йўналиш бўйича ғолибликка эришди. «Энг яхши патронаж ҳамшираси» деб Пешку туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Деҳдароз» қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Моҳина Ғаниева эътироф этилди. «Энг яхши қишлоқ врачлик пункти» танловида учта номзод — «Позагари», «Додхо», «Аламдор» ҚВПлари ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиблар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



# Баркамол авлод

*Ёзёвон туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.*

Унда ёш китобхонлар Асосий Қонунимиз, Президентимиз Ислом Каримов асарлари, сиёсий адабиётлар мазмун-моҳиятига оид билимини синовдан ўтказди. Савол-жавоблар, баҳс-мунозараларда ҳуқуқий билимини янада мустаҳкамлаган ёшлар Ватан, истиқлолни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлари, давлатимиз рамзлари туширилган расмлари билан фаол иштирок этди.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

# Ўз уйингни ўзинг асра!

*Бўстонлиқ туманидаги «Оқтош санаторийси» МЧЖда Ёнғин хавфсизлиги ойлигини намунали ташкил этиш бўйича тадбир ўтказилди. Унда вилоят ва тумандаги Ёнғин хавфсизлиги бошқармалари масъул шахслари олов балосининг олдини олиш бўйича тушунтириш бердилар.*

Шунингдек, туманда жойлашган бино ва иншоотлар иситиш тизимларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига мос бўлиши, иситиш қозонларининг дудбуронлари тозаланиб, ёнғинга қарши кураш жамиятининг мутахассислари томонидан назоратдан ўтказилиши лозимлиги таъкидланди.

Аҳоли хонадонларида қўлбола электр иситиш воситаларидан фойдаланиш оқибатида ёнғин келиб чиқаётгани, ушбу ҳолатларнинг олдини олиш борасида Бўстонлиқ туман ИИБ ЁХБ ходимлари томонидан турар жойларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан фуқароларга тушунтириш берилаётганлиги айтиб ўтилди.

Тадбир сўнгида ойликни намунали ташкил этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ў.ТЎЛАГАНОВ,**
**«Оқтош санаторийси»**
**МЧЖ директори**

## Ўзбекчилик

# Қани, йигитлар, тарвузга марҳамат

*Бу воқеа анча илгари бўлиб ўтган. Ўша йили пахта йиғим-теримига ҳашарга чиққандик. Кечқурун шеригим билан катта йўл қолиб, сўқмоқ бўйлаб баракка қайтдик. Бир вақт қарасак, полиз бошидан чиқиб қолибмиз. Кун бўйи ишлаб чанқамаганмизми, тарвуз егимиз келди. Аксига олиб, сўрай десак атрофда ҳеч ким кўринмасди.*

Шу пайт шеригим:

— Яхши пишганидан танлаймиз-да, эртага пулини ташлаб ўтамиз, — деди.

Бу фикр менга ҳам жўяли туюлди. Эндигина биргалашиб тарвуз еймиз деб турганимизда, қаердандир полиз эгаси чиқиб келди. Азбаройи жаҳлдан қизариб-бўзариб кетган. Авзойини кўриб, ҳайрон қолдик. Биттагина тарвузга шунчаликми? Бунинг устига пулини тўлаймиз, деб турган бўлсак...

У жаҳл билан ўшқира кетди.

— Тинчлик борми ўзи сенларнинг дастингдан? Тунов куни бир тўданг келиб, полизнинг маймаласини чиқариб кетгандиларинг! Ахир биз ҳам бола-чақамиз билан бирор нарса бўлармикан деб меҳнат қилиб қўйибмиз...

Шеригим табиатан оғирбосиқ йигит. У полиз эгасининг ёзғиришини вазминлик билан тинглади-да, астагина:

— Узр, аҳмоқлик биздан ўтибди. Бироз чанқагандик. Лекин биз ҳам меҳнатда суяги қотганлардanмиз, — деб қўйди.

Полиз эгаси бироз жаҳлдан тушди-да, қўл силтади.

— Ўғлим, инсоннинг меҳнатини қадрлаш керак, — дея, рухсат ишорасини қилиб, нари кетди.



Чанқоғимиз қонгач, тарвуз пўчоқларини бир чеккага йиғиштириб қўйдик. Кетиш олдидан полиз эгасига пул тутқазсак, кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Қайси ўзбек полиз бошида меҳмонлардан пул олади, болаларим. Оз-моз ўқимишли кўринсаларинг-да, умуман каллаларинг ишламас экан. Биз ҳам кўпни кўрган, юрт ичида юрганлардanмиз.

Раҳмат айтиб, хайрлашдик.

Эртасига шу ердан пахта даласига ўтаётганимизда отахон полизда куймаланиб юрган экан. Бизни кўриб:

— Қани, йигитлар, тарвузга марҳамат, бир оз дам олинглар, — дея манзират қилди.

**Неъмат РАФИҚОВ**

Реклама ва эълонлар

**«Surxondaryo mulk markazi» MChJда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.**

Савдога Сурхондарё вилоятидаги давлат автокорхоналарини тугатилиши ва қайта ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссиясининг 15.02.2012 йилдаги 4-сонли йиғилиш баёнига асосан тугатилаётган Денов туманидаги 2516-сонли давлат автокорхонасини тугатиш комиссиясининг 2013 йил 25 ноябрдаги 9-сонли йиғилиш қарорига асосан Денов туман Туркистон кўчаси, 34-уй манзилида сақланаётган Денов туманидаги 2516-сонли давлат автокорхонаси балансида бўлган қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 577 бўлган, 1980 й и/ч, таъмирталаб автомашина. **Б/б 4 468 742 сўм.**
2. ГАЗ 2411 русумли д/р 19 AD 462 бўлган, 1986 й и/ч, таъмирталаб автомашина. **Б/б 301 660 сўм.**
3. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 699 бўлган, 1984 й и/ч, таъмирталаб автомашина. **Б/б 4 520 107 сўм.**
4. Камаз-5511 русумли д/р 19 AG 545 бўлган, 1988 й и/ч, таъмирталаб автомашина. **Б/б 7 154 166 сўм.**
5. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 690 бўлган, 1981 й и/ч, таъмирталаб автомашина. **Б/б 2 401 307 сўм.**
6. Камаз-5410 русумли д/р 19 AG 570 бўлган, 1984 й и/ч, таъмирталаб автомашина. **Б/б 5 506 138 сўм.**

Савдога «Ўзбектелеком» АК кузатув кенгашининг 2010 йил 15-февралдаги 102-сонли баённомаси ва «Ўзбектелеком» АК Сурхондарё вилоят филиалининг 22.11.2013 йилдаги 224-сонли буйруғига асосан филиал балансида бўлган ММЗ-4502 русумли 1991 йилда ишлаб чиқарилган таъмирталаб юк автомашинаси қўйилмоқда. **Б/б 418 549 сўм.**

**Аукцион савдоси 2013 йил 28 декабр куни соат 11.00 да бошланади.**

Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 26 декабр куни соат 18:00.

Юқоридаги мулклар 2013 йил 28 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 13 январ куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 13 январ куни соат 18:00.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН: 302125729.

**Манзил:** Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

***2011 йил 25 октябрдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.***

**АУКЦИОН САВДОЛАРИ ХАБАРНОМАСИ**

**«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2013 йил 30 декабр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй** манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 01.07.2013 йилдаги 10-0907/15719-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «MUMIN-KAFOLAT QURILISH» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 11.11.2013 йилдаги 2-сонли йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 26.11.2013 йилдаги 20-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Иттифоқ» ҚФЙ, Алимота кўчаси, 43-уй манзилида жойлашган бошланғич баҳоси 69 500 000 (Олтмиш тўққиз миллион беш юз минг) сўм бўлган омборхона бино ва иншоотлари мажмуаси қўйилмоқда.

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 28 декабр куни соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати). Лицензия RR 0170, тел.: +99893 529-30-13, 233-21-18. E-mail: rc.group@inbox.ru.

**Хизматлар лицензияланган.**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 18.45

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 1111 | 13576 nusxada bosildi | 1 2 3 4